

ДУНЁНИНГ ЛИСОНИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ МАНЗАРАСИ

Рабиева Моҳидил Ғайратовна

БухДУ ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тилишуносларнинг дунёнинг лисоний ва концептуал манзараси тўғрисидаги фикрлари ва муаллифнинг мазкур мулоҳазаларга муносабати келтирилган.

Калит сўзлар: дунёнинг лисоний ва концептуал манзараси, когнитив фаолият, рецепиент тафаккури.

Тилшунослар томонидан билдирилган дунёнинг лисоний манзараси тушунчасининг асл моҳияти ҳақидаги фикрлар кенг кўламдир. Улар орасида дунёнинг лисоний манзараси турли халқларда турлича бўлиши ҳамда бири-биридан тубдан фарқ қилиши каби мулоҳазаларда ҳамфикрликни кузатиш мумкин. Инсон ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият олиб борар экан, онгида мавжуд оламнинг субъектив инъикосини яратади. Инсон тилни қандай ўзлаштиради, атрофдаги воқелик ҳақидаги билимларни ҳам худди шу йўсинда эгаллайди; шу билан бирга, дунёнинг концептуал манзараси билан бир қаторда унга зид бўлмаган, айтишда ҳам бўлмаган оламнинг лисоний манзараси ҳам шаклланади.

Маълум бир воқеликни тушуниш, англаш муаммоси, энг аввало, субъект фаолиятида воқеланидан ва намоён бўладиган оламнинг концептуал манзараси асосида мазкур субъект томонидан оламни идрок этиш муаммоси сифатида талқин этилиши лозим.

Тилда мавжуд оламни англаш сўзлар ёрдамида тушунчалар тизимини ҳосил қилишни назарда тутаяди ва бу масала тилшуносликда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, контрастив тилшунослик асосчиларидан бири бўлган Р.Ладо шундай таъкидлаган эди: “Инсонлар онгида шундай бир иллюзия шаклланганки, унга кўра маълум бир сўзнинг маъноси барча мавжуд тилларда бир хил ва у фақатгина маънонинг ифодаланиш шакли билан фарқланади, бунда сўзнинг асл моҳияти сақланиб қолади. Аслини олганда, фаолиятимиз орқасидан тўпланган тажрибамиз акс этадиган тушунчалар тизими маданий жиҳатдан белгиланади, шунинг учун улар маданиятдан маданиятга сезиларли даражада фарқ қилади. Фақат маънолар эмас, балки луғат таркиби ҳам ўзгаради”¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, муайян бир вазият ёки объектни идрок этиш жараёни бевосита идрок этувчи субъектга, унинг фундаментал билимига, тажрибасига ва албатта, унинг табиий яшаш муҳитига боғлиқ. Бу, ўз навбатида,

¹ Ладо Р. Лингвистика поверх границ культур // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. XX: Контрастивная лингвистика. – Москва., 1989. – С. 34-35.

бир хил вазиятни турли нуктаи назардан идрок этиш ва тасвирлаш имконини беради ҳамда мазкур вазият ҳақидаги тасаввурни кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Концептуал тизимнинг миллий ўзига хослиги маданият таркибига кирувчи маълум тушунчаларнинг мавжудлигида ҳам намоён бўлади. Бундай тушунчаларнинг йиғиндиси менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди ва шунинг учун уларни аниқлаш нафақат нутқ ишлаб чиқариш хусусиятларини тушуниш, балки фикр шаклланишининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш учун ҳам жуда аҳамиятлидир². Шундай қилиб, оламнинг концептуал манзараси – бу шахснинг турли хил когнитив, амалий фаолиятида потенциал равишда намоён бўладиган объектлар ҳақидаги маълумотлар тизими демакдир. Бундай тизимнинг ахборот бирлиги концепт ҳисобланиб, унинг вазифаси оламнинг концептуал манзараси таркибига киритилган воқелик объектларининг концептуал, ҳиссий, ассоциатив, вербал, маданий ва бошқа мазмундаги тушунчаларни инсон онгида мустаҳкамлаш ва актуаллаштиришда намоён бўлади.

Когнитив фаолият матнни ҳосил қилиш ва идрок этиш жараёнларини қамраб олувчи мураккаб семантик комплекс бўлиб, муаллифнинг нияти, мақсади ва мулоқот шартларига мувофиқ, аввало, унинг тафаккурида, сўнгра реципиент тафаккурида унинг лингвистик салоҳияти, ижтимоий мавқеи, индивидуал-психологик ҳолати ва дунё ҳақидаги билимларини ҳисобга олган ҳолда юзага келади.

Ҳар қандай дискурсадаги лингвистик фаолият бу – тил ҳосил бўлиш жараёнининг муҳрланган моментидир³. У ёзма тил меъёрларига мувофиқ яратилган, яхлитлик ва мақсадга йўналтирилганлик хусусиятларига эга бўлган маълум бир асар шаклида намоён бўлади. Уни тўлиқ англаш жараёни реципиент томонидан муаллифнинг ғоясини адекват идрок этиш билан боғлиқ ҳолда кечади. Бошқача қилиб айтганда, лингвистик фаолият ўзаро боғлиқ бўлган икки босқичли жараёндир: эксплицит – бунда асосий мақсад реципиентга аниқ бир матнни маълумот сифатида етказиш бўлса, имплицитлик хусусиятида эса етказилган маълумот реципиент томонидан мустақил равишда англашилади ва талқин қилинади.

Ҳар қандай матн ҳосил бўлишида, шубҳасиз, ғоя асосий хом ашё бўлиб хизмат қилади. Масалан, мулоқот давомида савол бериш маълумот сўраш заруратидан келиб чиқади ва бу эҳтиёж берилган саволга вербал жавоб олиш

² Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – Москва.: Прогресс, 1985. – С. 76-81.

³ Грушевская Т.М., Фанян Н.Ю. Модулярный подход к анализу текста/дискурса: вклад женевской лингвистической школы // Вестник Адыгейского государственного университета. Сер. Филология и искусствоведение. 2012. Вып. 2. – С. 190 -194.

учун зарур шарт-шароитларни, яъни коммуникантларни танлаш ва мулоқот шартларини яратишга ёрдам беради. Мулоқот шартлари деганда, реципиентнинг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда шаклланадиган муносабатлар тушунилади.

Мулоқот иштирокчилари деганда эса ўз позицияси ва қарашларига эга бўлган муаллиф ва маълум даражадаги онг, тил қобилиятлари, дунёни билиш, атрофдаги нарсаларни ҳиссий идрок этиш даражасига эга бўлган (бир ёки бир нечта) реципиент тушунилади. Таъкидлаш жоизки, мулоқот иштирокчилари дунёнинг концептуал тасвири деб аталадиган объектив воқелик ҳақидаги маълум бир тизимли билим, ғоя ва фикр ташувчилари ҳисобланадилар.

Оламнинг концептуал манзараси деганда “индивиднинг реал ёки нореал дунё ҳақида узлуксиз шаклланиб турадиган маълумотлар тизими (фикр ва билим) тушунилади”⁴. Шундай қилиб, дискурс деганда мулоқот чоғида шаклланган матн муаллифи ахборот тизимининг реципиентнинг ахборот тизими билан ўзаро таъсири англашилади. Коммуникант фақатгина тили доирасида шаклланган воқеликларни эмас, балки маълум бир нутқ шароитида у учун субъектив аҳамиятга эга бўлган оламнинг концептуал манзарасини ҳам вербаллаштиради. Шу тариқа, матн ҳосил бўлиш жараёни узок ва қийин йўлни босиб ўтади. Матн аввало, муаллифнинг мавжуд билим манбаи асосида унинг тафаккурида яралади, бунда унинг тематик қарашлари, ғоялари, олами идрок этиш ва борлиқни англаш тизими ҳисобга олинади. Кўп ҳолларда муаллифнинг концептуал манзараси реципиентнинг концептуал манзараси билан тўлиқ мос келишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бундай вазиятда муваффақиятли мулоқотга эришилади. Концептуал манзаралар фарқланганида эса, коммуникация жараёни муваффақиятсизликка учрайди ва матннинг ғояси етарлича очилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ладо Р. Лингвистика поверх границ культур // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. XX: Контрастивная лингвистика. – Москва., 1989. – С. 34-35.
2. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – Москва.: Прогресс, 1985. – С. 76-81.
3. Грушевская Т.М., Фанян Н.Ю. Модулярный подход к анализу текста/дискурса: вклад женевской лингвистической школы // Вестник Адыгейского государственного университета. Сер. Филология и искусствоведение. 2012. Вып. 2. – С. 190 -194.

⁴ Павиленис Р.И. Проблема смысла // Современный логико-функциональный анализ языка. – Москва, 1983. – 280 с.

4. Rabiyeva M. Difficulties of Differentiating Euphemisms and Dysphemisms //Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 127-132.
5. Rabiyeva M. G., Asadova Z. Methods of Using Lexical and Grammatical Transformations in the Translation of Literary Texts //Spanish Journal of Innovation and Integrity. – 2022. – Т. 5. – С. 492-494.
6. Rabiyeva, M. G. (2022). Dysphemism or Euphemism ?. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(6), 61-65.
7. L. Khaydarova. "THE USAGE OF INTERACTIVE METHODS WHILE DEVELOPING READING SKILLS OF YOUNG LEARNERS" Science and innovation, vol. 1, no. B7, 2022, pp. 324-328. doi:10.5281/zenodo.7236481
8. Khaydarova, L. (2022). Classroom Activities that Best Facilitate Learning. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 6, 377–380.
9. Islomov, D. (2022). СТИЛИСТИКА ТУШУНШАСИ ТЎҒРИСИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА ТАҶЛИЛЛАР. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 12(12). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6504
10. Islomov, D. "ЖИЗНЬ АБДУЛЛЫ КАДИРИ И ЕГО ВКЛАД В УЗБЕКСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)* 6.2 (2021).
11. Islomov, D. (2022). Француз тили фонетикаси Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари: Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 8(8). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4108
12. Islomov, D. (2023). On phonetics, phonostylistics and phonetic means. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 28(28). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8800
13. Islomov, D. (2023). About Alliteration in French. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 28(28). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8798
14. Islomov, D. (2023). АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТГАН КУНЛАР” АСАРИДАГИ ФОНОСТИЛИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДИСКУРСИВ ТАҶЛИЛИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 28(28). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8801
15. Islomov, D. (2022). О понятии и искусстве аллитерации, придающей особый фонетический и фоностилистический эффект узбекскому языку. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 16(16). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/7057
16. Исломов Д. Ш. ЎЗБЕК ТИЛИДА ИЖРО ЭТИШГА ХОС БЎЛГАН ФОНОСТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //" GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH:

ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS. – 2023.
– Т. 9. – №. 1.

17. Islomov D. SECTION: CULTURAL SCIENCE //MODERN SCIENTIFIC RESEARCH. – 2019. – С. 21.

18. Radjabov, R. (2023). Орфография НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ОРФОГРАФИИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА: теоретические взгляды ученых на орфографию. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 27(27).

19. Radjabov, R. (2023). ACCENTS ET MARQUES ORTHOGRAPHIQUES EN FRANÇAIS. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).

20. Radjabov, R. (2023). A PROPOS DU CONCEPT D'ORTHOGRAPHE FRANÇAISE. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).

